



## BIOCHEMICAL STRUCTURE OF CELLULOSE AND GLUCOSE PRODUCTION FROM IT

Kulmatov Kamol Alimovich<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Teacher of TerSU

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4898769>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> May 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2021

Online: 30<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

Cellulose, oxyquinoline, azatobacterium, bacterialar, actinomycetlar, penicillin, aspergillus, sulfodlangan cellulose, malachite CuCO<sub>3</sub>.Cu(OH), hemoglobin, logarithm, superoxide dismutase.

## ЦЕЛЛЮЛОЗАНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УНДАН ГЛЮКОЗА ОЛИШ

Кулматов Камол Алимович<sup>1</sup>

<sup>1</sup> ТерДУ ўқитувчиси

### МАQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

Целлюлоза, оксихинолин, азатобактерия, бактериялар, актиномицетлар, пенициллин, аспергиллус, сульфодланган целлюлоза, малахит CuCO<sub>3</sub>.Cu(OH), гемоглобин, логарифм, супероксиддисмутаза.

### ABSTRACT

Cellulose makes up 45-80% of the dry weight of the plant, cellulose is both a polymeric substance and its monomer is glucose. Cellulose is of great importance in the industry. It is used to make cloth and paper. Cellulose decomposition has both beneficial and harmful aspects for human life. The advantage is that it increases soil fertility. In addition, microbes that break down cellulose play an important role in the digestion of herbivores, increasing the digestibility of coarse weeds. However, the harmful side is that the quality of paper and wood deteriorates.

### ANNOTATSIYA

Целлюлоза ўсимликнинг қуруқ вазнининг 45-80% ни ташкил этади, целлюлоза ҳам полимер модда бўлиб, унинг мономери ҳам глюкоза ҳисобланади. Целлюлозани саноатдаги аҳамияти жуда катта. Ундан газлама ва қозоз тайёрланади. Целлюлоза парчаланишининг одам ҳаёти учун фойдали ва зарарли томонлари бор. Фойдали томони шундаки, ернинг унумдорлигини оширади. Бундан ташқари целлюлозани парчалайдиган микроблар ўтхўр ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиши процессида муҳим рол ўйнайди, Дагал ҳашакларнинг ҳазм бўлишини оширади. Лекин зарарли томони шундаки, қозоз ва ёғочнинг сифати бузади.

**Кириш сўзи:** Целлюлоза ўсимликнинг қуруқ вазнининг 45-80% ни ташкил этади. У полисахарид бўлиб, кучли кимёвий реактивлар таъсирида ҳам қийин

парчаланади. Табиий шароитда целлюлозанинг жуда катта микдори тупроқка тушади ва у ерда тупроқ микроорганизмлари ёрдамида биологик



ўзгаришга учрайди. Бу микроорганизмлар целлюлозани глюкозага гидролизловчи ва сўнгра аероб шароитларда  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  гача оксидловчи целлюлоза ва целлобиаза ферментлари ҳосил қиласди. Целлюлозанинг аероб йўл билан парчаланишида кўпгина бактериялар, актиномицетлар ва замбуруғлар иштирок этади. Одатда, целлюлоза парчалангандан шакарлар, юқори молекулали органик кислоталар ҳосил бўлади. Оралиқ маҳсулотлар сифатида эса оксикислоталар ҳосил бўлади. Булардан азатобактериялар ва клостридиум озиқ сифатида фойдаланилади. Азатобактериялар ва клостридиум табиатда кенг тарқалган бўлиб 1929-йил С.Н. Виноградский томонидан аниқланган. Петри косачасига минерал тузлар аралашмасини ҳўлланган фильтр қофоз қўйилади ва озгина тупроқ қўшилади. Унда зангори яшил ва кул рангли калониялар ҳосил бўлса, целлюлозани парчаловчи бактериялар борлигини кўрсатади. Виноградский целлюлозани парчалайдиган ва спора ҳосил қилмайдиган аероб бактерия борлигини аниқлаган. Бу микроблар таъсирида целлюлоза кучли парчаланади. Булардан ташқари целлюлозани актиномецитлар, пенициллин, аспергиллус, моғорлар ва бошқа аероб микроблар ҳам парчалаши мумкин. Целлюлоза парчаланишининг одам ҳаёти учун фойдали ва заарли томонлари бор. Фойдали томони шундаки, ернинг унумдорлигини оширади. Бундан ташқари целлюлозани парчалайдиган микроблар ўтхўр ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш процессида муҳим рол ўйнайди, Дағал ҳашакларнинг ҳазм бўлишини оширади. Лекин заарли томони шундаки, қофоз ва ёғочнинг сифати бузади, айниқса Мерулиус авлодига мансуб замбуруғлар қурилишга катта зарар етказади.

Целлюлозанинг аероб парчаланишини Гетчинсон ва Клейтон муҳитида кузатиш мумкин. ( 1 л дистилланган сув,  $\text{K}_2\text{HPO}_4$  1 гр,  $\text{CaCl}_2 \times 6\text{H}_2\text{O}$  – 0,1 гр,  $\text{MgSO}_4 \times 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,3 гр,  $\text{FeCl}_3 \times 6\text{H}_2\text{O}$  – 0,01 гр,  $\text{NaNO}_3$  – 2,5 гр ). Бу муҳитда ягона углерод манбай бўлиб целлюлоза – фильтр қофоз кесмаси хизмат қиласди. Муҳитга тупроқ экилади ва 14-21 кундан сўнг фильтр қофозда ўзгаришлар кузатиди. Бактериал чириш натижасида қофоз бўш, ғовак кўринишида бўлиб қолади ва айрим ҳолларда йиртилиб кетади. Суюқлик билан ҳаво чегарасидаги қофоз шилимшиқланади, сарғаяди, кўнғир тусга киради, бу эса микробактериялар колонияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Целлюлоза ҳам полимер модда бўлиб, унинг мономери ҳам глюкоза ҳисобланади. Ўсимлиқ организимидағи 50% углерод целлюлозага тўғри келади ва у ер шаридаги ҳамма органик моддалар орасида ўзининг массаси билан биринчи ўринда туради. Целлюлозанинг ҳаммаси асосан ўсимлиқ организмидаги учрайди, лекин тубан умртқасизларда ва замбуруғларнинг бир группасининг (оомицетларда) таркибида ҳам бўлади. Ўсимликлардаги ҳужайра девори асосан ( 20 — 40%гачаси ) целлюлозадан тузилган. Целлюлозанинг тузилиши унинг функцияси билан боғланган. Улар узун занжирли бўлиб, тахминан 10000 глюкоза қолдиғидан ташкил топган. Занжирнинг четидан кўплаб —ОН группаси ташқарига чиққан бўлиб, турли томонга тарқалади ва қўшимча занжир билан водород боғларини ҳосил қиласди. Бу эса целлюлозанинг мустахкамлигини таъминлаб туради. Занжирлар бир —бири билан бирикиб микрофибрillаларни ҳосил қиласди. Бу микрофибрillла қатламлари мустахкам бўлишига қарамай, сув ва унда эриган



моддаларни осон ўтказиш хусусиятига эга. Целлюлоза ўсимликларда ҳужайра девори вазифасини бажариш билан бирга, кўпгина ҳайвонлар, замбуруғлар ва бактериялар учун озиқа модда бўлиб ҳам ҳизмат қилади. Целлюлозани глюкозагача парчаловчи фермент целлюлаза табиатда нисбатан кам учрайди. Шунинг учун кўпгина ҳайвонлар, шу жумладан одам ҳам целлюлозани, глюкозанинг бой манбаи бўлишига қарамай ўзлаштира олмайди. Шуни айтиш керакки, кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ичагида симбиёз ҳолда яшовчи бактериялар целлюлозани осон ўзлаштиришга ёрдам беради. Целлюлозани саноатдаги аҳамияти жуда катта. Ундан газлама ва қофоз тайёрланади.

### ЦЕЛЛЮЛОЗАДАН ГЛЮКОЗА ОЛИШ.

Шиша стаканга 20мл 65-75 фоизли сульфат кислота ва 12-15 г пахтани озодсан солинади.Хосил бўлган аралашма шиша тайёқча ёрдамида яхшилаб аралаштирилади ва анча вақт қолдирилади.Бунда қорамтир қовушқоқ масса ҳосил бўлади.

Кейин сульфодланган целлюлоза 3-4 қисмга бўлинib, чинни косачаларга солинади ва устидан 100-150 мл дан сув қўйилади. Энди эритма 20-30 минут давомида қайнатилади.Бунда сульфат кислота билан целлюлозанинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган махсулотларни сув парчалайди. Қайнатилгандан кейин дастлабки олинган ҳажмга етгунча,яна сув қўшилади ва сульфат кислота майдагу кукун ҳолидаги бўр таъсирида нейтралланади.Бўр карбонот ангидрид пуфакчалари ажралиб чиққунча оз-оздан қўшилади.

Ҳосил қилинган аралашма чўкмадан фильтрлаб олинади ва фильтрат чинни

косачада тахминан 25-30 мл қолгунча буғлатилади.Бунда озроқ кальций сульфат чўкмаси ҳосил бўлади.Чўкма фильтрланади ва фильтрат асалга ўхшаш ҳолатга келгунча яна буғлатилади. Ширин мазали техник глюкоза (бу глюкозани овқат сифатида ишлатиб бўлмайди, чунки унинг унинг таркибида баъзи аралашмалар бўлади).

Ҳозирги вақтда табиий ипак толалари ва сунъий ипак толалардан кенг кўламда фойдаланилади.Бу толалар бирбиридан нима билан фарқ қилади?

Сунъий толалар одатда,табиий хом ашёдан олинади,бунда янги ҳосил қилинган толаларда хом ашёдаги молекулалардан фойдаланилади. Хом ашё молекулалари ўзининг жойлашишини,баъзан эса кимёвий хоссаларини ҳам ўзгартиради. Масалан, вискоза толаси, мис-аммиакли,ацетат ипаги –буларнинг барчаси ипсимон молекулалардан тузилган целлюлозадан олинади.Целлюлоза –табиий юқори молекуляр бирикмадир.

Мис-аммиакли ипак олиш учун дастлаб эритма тайёрланади. Бунинг учун тарозида 20г мис купороси тортиб олинади ва у 300мл сувда эритилади.Шундан кейин 6г ўювчи натрийнинг 200мл сувдаги эритмаси қўшилади. Бунда мис (II)-гидроксиднинг ҳаво ранг чўкмаси ҳосил бўлади. Бир неча минут ўтгач, мис (II)-гидроксид идиш тубига чўккандан кейин, чўкма устидаги рангсиз эритма эҳтиёткорлик билан тўкиб ташланади, сўнгра 200-250 мл дистилланган сув қўшилади ва тиндирилган тиник эритма тўкиб ташланади.Тўкиб ташланадиган эритмада  $\text{SO}_4^{2-}$  ионлари қолмагунча (бу барий хлорид билан текширилиб кўрилади) ушбу жараён такрорланади.



Олинган мис (II)- гидроксид аммиакнинг сувдаги концентриланган эритмасида эритиши лозим. Бунда малахитдан CuCO<sub>3</sub>.Cu(OH) фойдаланилади. Тажирба шуни кўрсатадики, бундай эритмада целлюлоза яхши эрийди. Олинган мис-аммиакли эритмада тўқ кўк рангли қуёмсизон масса ҳосил бўлгунча шиша таёқча билан аралаштириб туриб, целлюлоза эритилади. Ҳосил қилинган эритмада, целлюлозанинг эримай қолган бўлакчалари бўлмаслиги лозим. Уларни чиқариб юбориш учун эритма фильтранади; бу эритма фильтр қоғозни емиради, шунинг учун капрон матодан фойдаланилади бунинг учун бир неча қават қилиб, ундан фильтр ўрнида фойдаланса бўлади. Фильтерлашни тезлатиш мақсадида сўриш воронкасидан ва сув пуркаш насосидан ёки Камовский фойдаланилади. Йигириш эритмасидан ип ҳосил қилиш учун кристализаторларга ёки кенг шиша банкага сульфад кислата эритмаси (1:5) қўйилади. Йигириш эритмасини кенг шиша найга қўйиб, найнинг оғзи иккита темир пробирка билан беркитилади. Пастки пробиркага уни чўзиқ шиша най ўрнатилади. Юкори пробиркадан ҳаво пуфлаш учун най ўтказилади.

Шиша найнинг ингичка уни сульфад кислотали ваннага ботирилади ва юкоридаги ҳаво пуфланади. Босим остида

йигириш эритмаси сульфат кислота эритмасига тушади ва қотади. Шу пайтда ипнинг учини панцет билан олиб, ҳавога тортиб чиқарилади. Ипнинг учини шиша таёқчага, ёки найга ўраб аста секин тортиш ва шундай қилиб, шиша найга ҳамма ипни ўраш мумкин. Сўнгра ип кўп микдор сув билан ювилади ва ҳавода қуритилади. Сунъий ипак толаларини табиий ипакдан қандай фарқлаш мумкин? Сунъий ипак углеводлар молекуласидан иборат, табиий ипак таркибида эса оқсил моддалар ҳам бўлади.

1-тажриба. Сунъий ипак табиий ипакдан фарқ қилишнинг энг оддий усули куйидагича. Ипак ёндирилади. Агар ипак сунъий бўлса, хеч қандай ҳид сезилмайди. Агар табиий ипак толаси ёндирилса, куйган жун ҳиди келади.

2-тажриба. Сунъий ипак табиий ипакдан кимёвий усуlda, оқсилларга хос реакциялар ёрдамида фарқ қилиш мумкин. Масалан, ипак толаси концентриланган нитрат кислотага ботирилади. Бунда табиий ипак толаси сариқ тусга бўялади, агар шундай тола аммиак эритмасига туширилса, унинг сариқ ранги тўқ сариқка айланади. Сунъий ипак толалари эса ўз рангини ўзгартирамайди.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. А.Б.Акбаров “Биоанорганик ва биофизик ,кимё асослари”.1996
2. Мирхамирова Р, Вахабов А.Х., Давранов К, Турсынбоева Г.С.“ Микробиология ва биотехнология асослари”. Тошкент: Ilm Ziyo. 2014.
3. Капуцкий Ф.Н., Юркштович Т.Л. Лекарственные препараты на основе производных целлюлозы. Минск, 1989.
4. Панов В.П., Жбанков Р.Г. Внутри- и межмолекулярные взаимодействия в углеводах. Минск: Наука и техника, 1988.